

Рустам Назар

ЯШАСИН  
ҚУЁШЛИ КУН

*Шеърлар, эртак*

ТОШКЕНТ

Ғафур Ғулом номидаги  
Адабиёт ва санъат нашриёти  
1987

### Назар Рустам.

Яшасин қуёшли кун: Шеърлар, эртак:  
(Урта ёшдаги мактаб болалари учун). — Т.:  
Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987. — 40 б.

Чиқиш маълумотларида: Рустам Назар.  
(Жуманазаров).

Қадрли болалар!

«Яшасин қуёшли кун» — ёш, иқтидорли шоир Рустам Назарнинг сиз азизларга тақдим этаётган илк китобчаси. Китобчадаги шеърларда сизнинг бегубор дунёнгиз, ҳаётингизнинг рангин лавҳалари тасвир этилган. Муаллиф юрагидagi самимият нури мисраларга кўчган. Яна жиндак мушоҳадаю бир чимдим кулгу ҳам шеърларни безаб турибди. Хуллас, бу китобча сизга ёқади, қадрдон дўстингиз бўлиб қолади.

Назар Рустам. Да здравствует солнечный день: Стихи, сказка: Для детей среднего и школьного возраста.

Н  $\frac{4803010000}{M 352(04)}$  — 183 Дош. — 86.

Уз 2

# 1. СУМАЛАК, ЭЙ, СУМАЛАК!

## ЯШАСИН ҚУЁШЛИ КУН

Булут қоплаб осмонни,  
Ҳаво айниди бирдан.  
Уйга кирдик биз қочиб  
Совуқ шамол, ёмғирдан.

Катта, сершовқин ҳовли  
Бўшаб қолди бирпасда.  
Чунки шамоллаб қолиш  
Ҳозир ҳеч гап эмас-да.

Маъюс эдик, жим эдик,  
Ўтирардик тизилиб.  
Шодлигимиз қолганди  
Ташқарида эзилиб.

Лекин Қуёш тонг билан  
Чиқди яна чарақлаб.  
Худди дилимиз каби  
Олам кетди ярақлаб.

Соқов ҳовли бир зумда  
Қий-чувга тўлди бутун.  
Қичқирардик биз шодон:  
— Яшасин Қуёшли кун!

## ЮКСАКЛИҚДА

Отам билан иккимиз  
Чиқдик тоққа.  
Қўтарилган сари биз  
Юксакроққа —

Ҳаллослардим қийналиб,  
Қуриб тинкам.  
Салобати босарди  
Чўққининг ҳам!  
Отам билан иккимиз  
Чиқдик тоққа.  
Кўтарилган сари биз  
Юксакроққа —  
Чулғар эди дилимни  
Ҳайрат, сурур.  
Кенгаяр эди дунё,  
Ортарди нур!

### ҒАЛАБА БАЙРАМИ

Эрта тонгдан гул териб,  
Хурсанд тўлиб-тошамиз —  
Отамизни табриклаб  
Қўйиш учун шошамиз!

Гулдастани биз унга  
Узатамиз довдираб —  
Ҳилвираган енгидан  
Кўз олмаймиз жовдираб!

Тўпчи бўлган отамиз,  
Қизғин ҳужум онда —  
Бир қўлидан ажралган  
Львов шаҳри ёнида!

Ҳозир унга тикилиб,  
Дилларимиз эзилар.  
Нечун қўли йўқлиги  
Фақат бугун сезилар!

## ЦИРҚДА

Саҳна аро думалаб  
Айланарди улкан шар.  
Чунки устида энчил  
Артист ҳаракат қилар.

— Онажон, энди билдим, —  
Деб шивирлар Бойсари, —  
Одамлар юргани-чун  
Айланаркан Ер шари!

## БАРДОШ ҲАҚИДА

### 1

Ҳайкалтарош амаким  
Толдим демайди —  
Ишлайверар, уйқудан  
Қолдим демайди.  
Бесўнақай тошларни  
Аёвсиз йўнар.  
Уст-бошига, атрофга  
Оппоқ гард кўнар.  
Амакимнинг гоҳ чиқар  
Жигибийрони.  
Нимадандир кўнгли гаш,  
Уртанар жони.  
Тошлар эса сукутда,  
Этишмайди миқ.  
Наҳот, наҳот, улар ҳеч  
Сезишмас оғриқ?!

Ұрнатилди ҳайкални  
 Гавжум майдонда:  
 Турфа гуллар очилиб  
 Турар ҳар ёнда.  
 Ҳурматига пойнда  
 Эгилди бошлар.  
 Шунда гўё тил битиб,  
 Сўйлади тошлар:  
 — Азобларнинг, синобнинг  
 Йўқ эди тенги.  
 Лекин мағрур чидадик  
 Оғриқни енгиб.  
 Кўринг, бардошимизнинг  
 Мевасидир бу:  
 Энди азиз сиймога  
 Айландик мангу!

## ҚИЗИЛ ОЛМА

Дарахтнинг энг учида  
 Кўзга чўгдек босилиб,  
 Турар эди бир дона  
 Қизил олма осилиб.

Неча кундир Эчкивой  
 Туролмасди бир жойда —  
 Олма сари талпиниб,  
 Ирғишларди бефойда!

Бунни кўрган Жирафа  
 «Эҳ, лапашанг!» деб қўйди.  
 Чўзди узун бўйинини  
 Ва олмани... еб қўйди!

## СУМАЛАК

*Қизим Нилуфарга*

Яйраб қанот қоққандай  
Гулзор узра капалак —  
Қизча жўшиб куйларди:  
«Сумалак, эй, сумалак!»  
Чала-чулла билса ҳам  
У қўшиқнинг сўзини —  
Қам сезмасди доврўқли  
Хонандадан ўзини!  
Қўзларида шундай пайт  
Порлар эди ажиб нур.  
У кашф этган оламга  
Тор келарди тасаввур!  
Наврўз эди. Онаси  
Қишлоқдан шод қайтганда;  
— Мен сизларга сумалак  
Келтирдим! — деб айтганда,  
Акалари косага  
Ёпишдилар таллашиб —  
Қизганишиб едилар,  
Тўймадилар ялашиб!  
Қизча эса донг қотди,  
Содир бўлди ажиб ҳол:  
Ҳеч нарсага тушунмай  
Ўтирарди ҳайрон, лол.  
Чапиллаган оғизлар  
Келтирарди гашини.  
Дабларини тишлаб у,  
Ҳам қилганди бошини!  
Яйраб қанот қоққандай  
Гулзор узра капалак —  
Қизча жўшиб куйларди:  
«Сумалак, эй, сумалак!»

Лекин бундай таомни  
Кўрмагани ҳеч қачон.  
У кашф этган оламдан  
Қолгани йўқ ном-нишон!  
Қизча хомуш, жим эди,  
Билмасди не дейишни —  
Истамасди қўшиққа  
Нон ботириб ейишни!..

### КИМ КАТТА?

Қапалак туғилди  
Булутли кунда.  
Эртасига Қуёш  
Сочди нур.

Қуёшга мақтанди  
Қапалак шунда:  
— Мен сендан каттаман! —  
Деб мағрур.

### ЛОЛАЗОРДА

Қирга тўшалмиш гўё  
Қирмизи тилам.  
«Мунча гўзал», деб Раҳмон  
Боқар завқ билан.

Дили яйраб, қувониб,  
Чопиб кетди у.  
Эҳ, қанча лолаларни  
Босиб кетди у!..

### ГУЖУМ

У — баҳайбат, у — кўркам,  
Кўчамизнинг гурури.



Тинмас яшил бағрида  
Қушларнинг шўх чуғури.  
Одамларнинг дилида  
Ҳаяжонли бир туйғу:  
— Авлодларга бизлардан  
Баҳоси йўқ мерос бу!

Танасини бир подон  
Пичоқ билан ўйибди —  
«Гуля плюс Аҳмадвой»  
Дея ёзиб қўйибди.

Унга боқиб, вужудим  
Оғриқларга тўлади —  
Аҳмоқона ёзув ҳам  
Наҳот, мерос бўлади?!

## ВАҲИМА

Эшикдаги лавҳадан  
Ҳамма тушар даҳшатга.  
Ҳамма боқар жавдираб  
Бир расмга, бир хатга.

Бўлиш керак эҳтиёт,  
Ахир, эмиш қопоғон —  
Қандайдир бир итни деб  
Оғритарди ким ҳам жон!

Таширлатиб босса-я?  
Ҳадиксираб туришар.  
Айрим қўрқоқ болалар  
Ҳатто жуфтақ уришар!

Тили йўқ-да эшикнинг,  
Қўяр оғир гичирлаб.

Сассизгина кулади,  
— Шўрликлар! — дер пичирлаб.

Ваҳимага, қўрқувга  
Чунки ҳожат, йўқ сира —  
Ётар юввош бир кучук  
Ичкарида мўлтираб!..

## МЕН СЎЗ БЕРДИМ ЎЗИМГА

Мен сўз бердим ўзимга,  
Энди қулоқ солмайман —  
Майли, укам ранжисини,  
Тарафини олмайман!

Бўлса ношуд ва анқов  
Қалтак есин, панд есин —  
Тушмайман мен ўртага,  
Ким нима деса десин!

Янглишдим бир-икки гап  
Унинг ёнини олиб.  
Энди сал гап учун ҳам  
Мени излар дод солиб.

Мустақил ҳаракатга  
Унда сира журъат йўқ.  
— Акамга айтаман! — дер,  
Қочаётиб урар дўқ.

Орқасида боримни  
Ҳис этмаса мабодо —  
Ботибмайди мушукка  
У «пишт» дейишга ҳатто!

Мен сўз бердим ўзимга,  
Энди қулоқ солмайман.  
Майли, укам ранжисин,  
Тарафини олмайман!

## БАЛИҚЧИ

Қармоқ ташлаб кун бўйн  
Офтобда куйди Холиқ.  
Тута олмади лекин  
Ақалли битта балиқ.

Ярим қарич бир чавоқ  
Илиниб чиққан эди,  
Ушани ҳам қочирди —  
Жуда ҳовлиққан эди.

Йўлда этишди кулги:  
— Эй, балиқчи, қани ов?  
— Кетди қармоқдан чиқиб,  
Икки қарич эди-ёв!

Ким кўрса — тиржаярди,  
Бўш келмасди Холиқ ҳам.  
Ҳар жавобида шича  
Каттаярди балиқ ҳам.

Ундан, ниҳоят, уйда  
Сўрадилар:  
— Қани ов?  
— Кетди қармоқдан чиқиб,  
Бир қулоч келарди-ёв?!

## КАЛТАКНИНГ ҚОЛГАНИ

Ҳасан билан иккимиз  
Жўрамиз.  
Ҳамма нарсани баҳам  
Кўрамиз.

Кеча Ҳасани Собир  
Урганда,  
Аламидан йнглай деб  
Турганда,

Жўрамни ажратиб, «Қоч!»  
Дедим мен.  
Қалтакнинг қолганини  
Едим мен!

## ЭРТАК

Қичкиналик пайтимни,  
Хотирлайман мен донм:  
Эртак айтиб берарди  
Отам кулиб мулойим.

Тушунмасам ҳам гарчанд,  
Бўлмаса ҳам сўз янги —  
Жим эшитиб ётардим,  
Сеҳрларди оҳанги!

Ҳозир қолдим улғайиб,  
Тўлдим пақ саккиз ёшга.  
Ақлим стар эртакнинг  
Маъносини англашга!

Лекин энди беҳуда,  
Кўрдим ҳатто ялиниб.

— Бориб ухла! — дер отам  
Қовоқлари солиниб.

Ҳар кеч унинг ёнини  
Кичик укам этар банд —  
Эртак тинглаб ётади,  
Тушунмаса ҳам гарчанд!..

## 2. ОСМОН НЕГА ЗАНГОРИ?

### ТУРНАЛАР

Осмонларни тўлдириб  
Қур-қурлари —  
Учиб ўтди турналар  
Қуёш сари!

Қўздан йўқолди улар  
Сингиб масрур —  
Алвон уфқ бағрига  
Мисоли нур!

Ҳаяжонимиз сизмас  
Қўксимизга —  
Чунки улардан Баҳор  
Қолди бизга!

### АРАВА

Нима бўлди саманга? —  
Хавотирим ортади.  
Арава-ку, юксиздир,  
Нега зўрға тортади?

Имиллайди ютса ҳам  
Йўлнинг тўзон-гардини.  
Нега маъюс боқар у —  
Тушунмайман дардини!

Эсимда: аравага  
Қўшилмасдан илгари —  
Юрарди кенг яйловда  
Худди яшини сингари!

Нима бўлди саманга? —  
Хавотирим ортади.  
Арава-ку, юксиздир,  
Нега зўрға тортади?

Қайларгадир талпинар  
У асабий юлқиниб.  
У нимани истайди,  
Ё соғинмиш йилқини!

Ачинаман саманга,  
Оғрир дилим, оғрир жон —  
Отам ҳар гал қамчини  
Уйнатганда беомон!..

### МАЙМУН

Севар эди ўрмонни,  
Дарахтларни, эркини.  
Қип-яланғоч бўлса ҳам  
Юрмас эди беркиниб!

Бир кун уни одамлар  
Илинтириб тузоққа,  
Зўрлаб олиб кетишди  
Қаергадир узоққа!

Сезмаса ҳам эҳтиёж,  
Бўлмаса ҳам хоҳиши —  
Либос инъом этдилар  
Унга мамнун боқишиб!

Қип-яланғоч юрганни  
Кўргани йўқ, шаҳарда.  
Уст-бошидан уялиб,  
Қочиб кетди саҳарда!

## ИНТИЗОМЛИ ТРАМВАЙ

Юрар доим бир йўлдан,  
Издан сира чиқмас у.  
Автобусдай бурнини  
Ҳар кўчага тиқмас у!

Олдиндаги трамвай  
Тўхтаб қолса — тўхтайди.  
Автобусдай ё қувиб,  
Ё айланиб ўтмайди!

Йўловчилар кўп ҳолда  
Уни кутмай, шошилиб  
Жўнашади тиқилинч  
Автобусга осилиб!..

## ТАҚЛИД ҚИЛУВЧИ БОЛА

У — Чингачгук, мард ҳинду,  
Тутқич бермас ёвларга!  
У — Маугли, бўрилар  
Билан чиқар овларга!

У — Робинзон, оролда  
Яшар танҳо ва нолон!  
У — Бармалей, қароқчи,  
Қилар босқин, тўполон!

Ўзга номлар, қисматлар  
Билан яшар хотиржам —  
Йўқ ўзининг ташвиши,  
Йўқ ўзининг исми ҳам!



## БИР ҚУШЧА

Мовий кўкда бир қушча  
Учар эди чарх уриб.  
Кузатардим завқ билан  
Мен ҳовлимизда туриб.

Ерга тушса гоҳ — уни  
Меҳмон қилардим таниб.  
Шундан сўнг қушча менга  
Қолди беҳад ўрганиб.

Урмалаб, дон чўқилаб,  
Ёнимдан ҳеч жилмасди.  
Емиш излашнинг сира  
Ташвишини қилмасди.

Қорни ҳар кун тўқ бўлгач  
Мен сепган текин донга,  
Ажаб, қушча бутунлай  
Учмай қўйди осмонга!..

## МИЁВЛАШНИНГ БОИСИ

Ота Йўлбарс ажабланар,  
Шўх ўғлига боқар зимдан:  
— У, лаънати, миёвлашни  
Ўрганибди, ахир, кимдан?!

Она Йўлбарс чекар ташвиш,  
Асоси бор хавотирга:  
— Жўраси-да Мушук унинг,  
Уйнайдилар ~~мудом~~ бирга!

## ДЕНГИЗ ВА КИТЛАР

— Денгиз нега безовта?  
Дилда ҳадик уйғонар.  
Қоринорриқ боладай  
Нега мунча тўлғонар?

Унинг тубсиз тубида  
Рўй бермоқда қандай ҳол?  
— Китлар ўлжа талашиб,  
Уришмоқда эҳтимол!

## АНОР НЕГА ЕМОН?

Э, бўлди, кўп мақтайверма  
Сен анорни.  
Урикдан ҳам, ахир, яхши  
Мева борми?

Исбот керак сенга, балки?  
Мана, жўра —  
Урик пишди, анор эса  
Ҳали ғўра!

## ҲАЙРОН ҚОЛИШАДИ

Лайлак ҳайрон қолиб  
Уйларди: «Қизиқ,  
Сув остида қандай  
Яшар-а, Балиқ?!»

Балиқ ҳайрон қолиб  
Уйларди: «Ажаб,  
Лайлак ерда қандай  
Юрар-а, яшаб?!»

## ОЙДА

— Имтиҳонлар коинотда,  
Ойда ўтса бўларди соз! —  
Деди бизни ҳайрон этиб  
Синфдошимиз Мумтоз.

Биз сўрадик: — Фарқи борми  
Ердагидан, нима фойда?  
Мумтоз кулди: — Ҳамма нарса  
Жуда енгил эмиш Ойда...

## УКАМ ҲИСОБГА НҮНОҚ

Укам нўноқ ҳисобга,  
Йўқдир зеҳн, хотира —  
Тўртга учни қўш деса,  
Ҳафталаб бош қотирар.

Менга яхши, укамдан  
Кўнглим сира қолмайди —  
Алдасам ҳам тақсимда,  
Ҳақ талаша олмайди!

## ХАФА ҚАЙТДИМ МЕҲМОНДАН

Хафа қайтдим меҳмондан,  
Айбламайман ҳеч кимни,  
Сабабчиси ўзимман,  
Тиёлмадим нафсимни!

Тўкин эди дастурхон,  
Йўқ, тоқатим етмади —  
Манзиратни ҳам кутмай  
Қўл узатдим мен дадил!

Патир нондан, қанд-қурсдан,  
Мевалардан тотиндим,  
Ўзгаларнинг олдидан  
Олишга ҳам ботиндим!

Қорним тўйиб, бутунлай  
Йўқолганда иштаҳа —  
Сергўшт палов тортилди  
Дастурхонга бир маҳал!

Вақт ўтганди, хатони  
Бўлмас эди тузатиб —  
Ҳамма палов еганда  
Мен ўтирдим кузатиб!

## БАҲС

Осмон нега зангори,  
Эмас қизил ё яшил? —  
Чарчамаймиз кечгача  
Икки жўра баҳслашиб.

Далиллару исботлар,  
Берилса ҳам илмий тус —  
Олинмайди сира тан,  
Топилади важ махсус!

Енгилишни ким истар,  
Ўжар етти пуштимиз.  
Овозимиз бўғилса,  
Ишга тушар муштимиз!

Осмон нега зангори? —  
Баҳсни қанда қилмаймиз.  
Сабабини аслида  
Иккимиз ҳам билмаймиз!

### 3. БОШИМ ҚОЛДИ ҒАЛВАҒА

#### КОМИССИЯ

«Талабчанмиш, кирармиш  
Синфимизга индинга!»  
Ола-говур бошланди:  
Энди нима қилдик-а?!

Ахир, синф шаънига  
Яхши эмас тушса доғ —  
Тайёрланиш лозимдир  
Ҳар жиҳатдан пухтароқ!

Аълочилар — даҳолар  
Типирчилаб қолишди.  
Муаллимдан ҳар бири  
Топшириқлар олишди!

Индингача уларга  
Еру осмон тор энди —  
На ўйнамоқ, на емоқ,  
На ухламоқ бор энди!

Фақат Собир ишшайиб,  
Ўтирарди хотиржам —  
Комиссиянинг унга  
Даҳли йўқдай сира ҳам!

У аълочи эмас-да,  
Роса тўяр ўйинга —  
Чунки ундан муаллим  
Сўрамайди индинга!..

## ХОТИРА

Аҳмад жавоб беролмай  
Дарсларда гунг ўлтирар.  
— Хотирам йўқ! — дер нолиб,  
Шафқат истаб мўлтирар.

Бугун тарих дарсида  
Эслай олмай гангиди —  
Кечагина ўтилган  
Бородино жангини!

Қизиқ, тўрт йил илгари  
Синфдоши Қаҳрамон  
Қонатганди бурини,  
Яхши эслар у ҳамон!

## ВАЪДА

Чет тилидан ҳар дарсда  
Бўлади ғойиб —  
Қўйиш лозим Собирни  
Жиддийроқ койиб!

Бутун синф ҳужумга  
Ўтгач амалда,  
Таслим бўлди айбдор —  
Қолди қамалда!

Қилмишига пушаймон,  
Боқди мўлтираб:  
— Чет тилидан қочмайман  
Мен энди сира!

Ваъдасини бузмайди  
Ушандан буён.

...Ҳозир тарих дарсидан  
Бўляпти қуён!

## ИҚРОР БУЛДИ

— Ёзма ишдан «тўрт» олибсан,  
Чаккимас унча.  
Лекин нега оғзакига  
Нўноқсан бунча?

Отасига тик қаролмай  
Хўрсинди Ҳожи:  
— Оғзакини кўчиришининг  
Йўқ-да иложинг!..

## СОЯМ

Ҳар кун эрталаб соям  
Эргашар менга зимдан.  
Мактаб биносигача  
Судралади изимдан.

Дарслар тугаб, мактабдан  
Уйга қайтаётган дам,  
Соям қолар физиллаб,  
Ўзиб кетар мендан ҳам!..

## ЖАВОБ

— Ҳаёт йўлга ўхшайди,  
Кўп нотаниш манзил бор! —  
Танбеҳ берди куюниб  
Ўқитувчимиз такрор.

— Лекин мен адашмайман, —  
Дер Эркин силтаб қўлни. —

Отамларнинг шофёри  
Яхши биледи йўлни!...

## **ҚИЙИН БЎЛДИ ҲАСАНГА**

Собир билан Рўзимат  
Гап талашиб қолишди.  
Оралари бузилиб,  
Ҳар ёнга йўл олишди.

Қолди Ҳасан серрайиб,  
Қолди Ҳасан азобда.  
Ким айбсизу ким ноҳақ? —  
Айтолмасди шу тобда.

Учаласи дўст эди,  
Юришарди шод, қувноқ.  
Энди нима бўлади? —  
Ечиш қийин бир жумбоқ.

Рўзимат мард ва кучли,  
Тушар доим ёнига.  
Зукко Собир дарсларда  
Оро кирар жонига.

Қай бирини қоралаб,  
Қай бирини оқлаш шарт?  
Мунофиқлик кетмайди,  
Биттасини ёқлаш шарт!

Аммо дўстлари унга  
Боқишмади қайрилиб.  
Қолди икковидан ҳам  
Бирданига айрилиб...



## АЛИ НЕГА ИИҒЛАЙДИ?

Укасига қўшилиб  
Хўнграрди Али.  
Ҳеч нарсага тушунмай  
Сўради Вали:

— Укангни-ку, йиғлатдинг  
Уриб шапалоқ.  
Лекин нега сен ўзинг  
Бўзлайсан, ахмоқ?!

Али жавоб қайтарди  
Ҳиқиллай туриб:  
— Ичим ачишиб кетди  
Додлашин кўриб!..

## «ЛАЗГИ»НИ УРГАНГАН КУН

Отам, онам ва акам  
Жилмайиб худди офтоб —  
Туғилган куним менга  
Совға қилдилар рубоб.

Отам, онам, акамдан  
Эдим жуда миннатдор.  
— Санъатни сев! — дедилар. —  
Унда катта ҳикмат бор!

Тўгаракка ёзилдим,  
Машқ бошладим уйда ҳам.  
«Лазги»ни ўрганган кун  
Бўлди мен учун байрам.

Чалиб кўрсатай девдим,  
Отам гапирди қаттиқ:

— Нутқ ёзишим керак,  
Халал берма, вақтим зиқ!

Чалиб кўрсатай девдим,  
Онам чимирди қошин:  
— Тинч қўй мени, шундоғам  
Оғриб турибди бошим!

Чалиб кўрсатай девдим,  
Акам ҳам қилди хитоб:  
— Жим! Эртага имтиҳон,  
Уқишим керак китоб!

Аламдан йиғладим мен  
«Лазги»ни ўрганган кун.  
Рубоб билан иккимиз  
Ҳовлига бўлдик сургун!

### ТУЙДА

Нариги маҳаллага  
Тўйга бордик тўртовлон.  
Уришқоқ болалардан  
Хавфсираб деди Жавлон:  
— Озмиз жуда!

Бизга ҳам ош тортдилар,  
Енг шимардик тўртовлон.  
Иштаҳамизни кўриб,  
Хўрсиниб қўйди Жавлон:  
Кўпмиз жуда!

### ҚУРИҚЧИ

Шум болалар полизда  
Юришар тап тортмасдан,

Сапчаларни узишар  
Ё эрмакка, ё қасддан!

Бўйноқ чайла олдида  
Ётганича ушбу пайт,  
Бўлаётган ишларни  
Кузатар жим ва лоқайд!

Бебошларни қувишга  
Истаги йўқ, ҳуши йўқ.  
У чайлани қўриқлар,  
Полиз билан иши йўқ?!

## **ЎЗИ ШУНГА КЎНГАН ЭДИ**

Судья — фирром!  
Судья — сотқин!  
Ишқибозлар бақирешар.  
Ўйин, ахир, ҳалол бўлсин, —  
Адолатга чақирешар!

«Лочин» қўпол ўйнамоқда,  
Ҳар ҳужуми босқин, дўқдир!  
Нега судья индамайди,  
Жарималар нега йўқдир?!

Нега мунча бепарво у,  
Тушунмасми ё футболни?  
Ахир, нега ҳисоб этмас  
«Учқун» урган аниқ голни?!

Судья — фирром!  
Судья — сотқин!  
Ишқибозлар бақирешар.  
Ўйин, ахир, ҳалол бўлсин, —  
Адолатга чақирешар!

Қандай уят! Қандай уят!  
Судья — Ҳасан ботар терга.  
Лекин нетсин — иложи йўқ  
Беркинишнинг ҳеч қаерга!

Лекин нетсин — ўзи айбдор,  
Ўзи шунга кўнган эди —  
«Лочин»ликлар музқаймоғин  
Нега олди, нега еди?!

### «ДОНИШМАНДЛАР»

— Шахмат ўйини доно  
Одамларга хос! —  
Деган гап эшитувди  
Кимдандир Аббос.

Ақлли бўлайлик деб,  
Ахир, бизлар ҳам —  
У дўсти Шерни излаб  
Топди ўша дам.

Сўнг иккови астойдил  
Шимарганча енг,  
Қора, оқ доналарни  
Бўлишдилар тенг.

Пиёда нечун керак?  
Қайда турар шоҳ?  
Юришар қай йўсида  
Фарзину сипоҳ?

Ўйин қондасини  
Билмасдилар ҳеч.  
Лекин бунга парво ҳам  
Қилмасдилар ҳеч.

Фақат тезроқ донишманд  
Бўлишни истаб,  
Сурдилар доналарни  
Бир-бирин қистаб.

Ақлли бўлайин мен  
Дея олдипроқ —  
Қай бири фирромлик ҳам  
Қилди ўша чоқ

Тушди шахмат тахтаси  
Бошига Шернинг.  
Жанжал зўрайиб, чанги  
Тўзгиди ернинг.

Бир-бирига мушт солиб,  
Этиб бурнин қон,  
Бўлишди-ку оқибат  
Қип-қизил нодон!..

## **БЕТАРАФ КҮРШАПАЛАК**

*(Шарқ эртаги)*

Эмиш, ҳолдан тойдириб  
Сўнгсиз низо, урушлар —  
Тўпланибди кенгашга  
Барча ҳайвон ва қушлар.

Масалага ҳар қавм  
Бирдай экан хайрихоҳ —  
Яшаш учун тинч-тотув  
Лозим доно, кучли шоҳ!

Тахт соҳибни бўлишга  
Қайси жонзот маъқулроқ?

Мунозара, тортишув  
Чўзилибди кўп узоқ.

Қоплон дебди: «Баҳс учун  
Асос йўқ ҳеч қанақа.  
Бундай олий унвонга  
Муносибдир Шер фақат!

Аёндир куч-қудрати  
Бутун ўрмон аҳлига,  
Наъраси ҳар юракка  
Солар қўрқув, таҳлика!»

Қутлаш учун ҳайвонлар  
Туришибди шайланиб —  
Зўр-да, чиқса ҳукмдор  
Узларидан сайланиб?!

Қушлар эса ошкора  
Бўлишибди норози —  
Ҳақиқатга зид ахир  
Бундайин тош-торози!

Тўғри, ақл-идрок ҳам,  
Куч-қудрат ҳам бор Шерда.  
Жасоратга қодир у  
Афеуски, фақат ерда!

Жажжигина қушча ҳам  
Тегиб унинг жигига,  
Ҳеч гапмас чап бериши  
Шоҳона аччиғига!

Қарга дебди: «Бургутнинг  
Ўткир фаҳми, тирвоғи.

Наинки кўк, хавфлидир  
Заминда ҳам жанг чоғи!

Қодир эрур ҳар қандай  
Урушвозни тийишга!  
Ёлғиз Бургут муносиб  
Олтин тоғни кийишга!»

Қутлаш учун қушлар ҳам  
Туришибди шайланиб —  
Зўр-да, чиқса ҳукмдор  
Узларидан сайланиб?!

Аламзада ҳайвонлар  
Минишибди жаҳлга:  
«Наррандага тобеллик  
Сигмайди ҳеч ақлга!»

Утмасдашқ орадан  
Тахликали бир муддат,  
Ҳаракатга келибди  
Ёзвойи қон ва шиддат!

Еру осмон қушларга,  
Ҳайвонларга танг яна —  
Бошланибди ўртада  
Энг аёвсиз жанг яна!

Четда туриб биргина  
Қўршапалак ушбу пайт,  
Ваҳшиёна қирғинни  
Кузатибди жим, лоқайд!

Мунозара чоғи ҳам  
Чиқармабди ҳеч сасин —

Эҳтиёткор бўлиш шарт,  
Янглишишдан асрасин!

Унга нима, ким бўлса  
Бўлаверсин ҳукмдор!  
Қалтис онда бетараф  
Қолишда ҳам ҳикмат бор!

Майли, ичса ичишсин  
Бир-бирининг қонини!  
Аҳмоқ йўқ хавф-хатарга  
Қўядиган жонини!

Маъшум уруш қурсин-эй,  
Нақ қиёмат бўлибди,  
Ўрмон ичи саноқсиз  
Жасадаларга тўлибди.

Ўлибди кўп парранда,  
Қолганлари ҳам омон —  
Саросима ичида  
Қочишибди ҳар томон!

Жангдан чиққач ҳайвонлар  
Ғолиб бўлиб, зўр бўлиб,  
Шерни — янги тождорни  
Қутлашибди жўр бўлиб.

Ўтгач хаёфу хатарлар,  
Тингач қонли гирдибод —  
Қўршапалак чиқибди  
Беркингани ердан шод.

Қулагандай бўлибди  
Елкасидан тоғ ахир.



У — бошикаст, у — тирик,  
Тўрт мучаси соғ ахир!

Келиб базми зафардан  
Маст ҳайвонлар ёнига,  
Офаринлар айтибди  
Қотилларнинг шаънига!

Сўнгра дебди қандайдир  
Хавотирдан жовдираб:  
«Гарчи уча олсам-да,  
Қуш эмасман мен сира!

Мен ҳайвонман сизлардай,  
Муҳтожмасман дояга —  
Бола туғиб, эмизиб,  
Етказаман вояга!»

Ҳеч ким ёлғон топмагач  
Қўршапалак гапидан,  
Берилибди унга жой  
Ҳайвонларнинг сафидан!

Қушлар эса ушбу чоқ  
Хавфсиз жойга қочишиб,  
Айлашибди машварат,  
Қасосдан сўз очишиб.

Бургут дебди: «Орқага  
Чекиниш йўқ, қонга — қон!  
Лекин ерда уришиб,  
Енгишимиз даргумон.

Душман сари учайлик  
Фалак — азиз маъводан.

Қозонгаймиз галаба,  
Хужум қилсак ҳаводан!»

Еру осмон қушларга,  
Ҳайвонларга танг яна —  
Бошланибди ўртада  
Энг аёвсиз жанг яна!

Ёвқур Бургут амалда  
Исботлабди сўзини —  
Дарров ўйиб олибди  
Шернинг икки кўзини!

Ишга тушиб қиличдай  
Ўткир тумшуқ, тирноқлар —  
Ёйилибди атрофга  
Сонсиз қизил ирмоқлар!

Жангда қушлар чиқишгач  
Ғолиб бўлиб, зўр бўлиб,  
Янги тождор — Бургутни  
Қутлашибди жўр бўлиб.

Утгач хавфу хатарлар,  
Тингач қонли гирдибод —  
Кўршаналак чиқибди  
Беркингани ердан шод.

Қулагандай бўлибди  
Елкасидан тоғ ахир.  
У — бешикаст, у — тирих,  
Тўрт мучаси соғ ахир!

Келиб базми зафардан  
Маст қушларнинг ёнига,

Офаринлар айтибди  
Қотилларнинг шаънига!

Сўнгра дебди қандайдир  
Хавотирдан жовдираб:  
«Гарчи бола турсам-да,  
Ҳайвонмасман мен сира.

Мен ўхшайман сизларга,  
Асли жинсим қуш эрур.  
Учоламан бемалол,  
Парвоз менга ҳуш эрур!»

Ҳеч ким ёлғон топмагач  
Кўршанапалак гапидан,  
Берилибди унга жой  
Ғолиб қушлар сафидан!

Томонларнинг ҳеч бири  
Муросага кўнмабди,  
Оқибатда узоқ вақт  
Жанг гулхани сўнмабди.

Буткул ҳолдан тойдиргач,  
Сўнгсиз низо, урушлар —  
Тўпланибди кенгашга  
Барча ҳайвон ва қушлар.

Масалага ҳам қавм  
Бирдай экан ҳайрихоҳ.  
Майли, ерда Шер бўлсин,  
Кўкда эса Бургут шоҳ!

Ўртамизда аҳиллик  
Қилсин мангу тантана,

Уруш эмас, байрамлар  
Бўлсин эзгу анъана! —

Ҳайвонлар ҳам, қушлар ҳам  
Адоватдан қайтишиб,  
Қувнашибди тушиб рақс,  
Шўх қўшиқлар айтишиб!

Кўзларини ўйнатиб  
Шодиёна гирдибод —  
Кўршапалак чиқибди  
Беркингани ердан шод.

Даврани чир айланиб,  
Ўйнагиси келибди.  
Бўғилгунча овози  
Куйлагиси келибди!

Лекин уни ҳайвонлар  
Ҳайдашибди баралла:  
«Сен қушсан-ку! Жўнаб қол,  
Улар билан қил ялла!»

Лекин уни қушлар ҳам  
Ҳайдашибди дўқ билан:  
«Ҳайвонсан-ку сен ахир,  
Бор, улар-ла айт ўлан!»

Кўршапалак топмабди  
Ярашишнинг чорасин.  
Кўрқув тушиб дилига,  
Учирибди қорасин!

Шундан бери ёлғизмиш,  
Тавқи лаънат бўйнида.

Чарх урармиш нолакор  
Кимсасиз тун қўйнида.

Жинсини ҳам унутиб,  
Йўқотганмиш эркини.  
Ҳайвонлару қушлардан  
Яшар эмиш беркиниб!

## МУНДАРИЖА

### 1. Сумалак, эй, сумалак!

Яшасин қуёшли кун . . . . .	3
Юксакликда . . . . .	3
Ғалаба байрами . . . . .	4
Циркда . . . . .	5
Бардош ҳақида . . . . .	5
Қизил олма . . . . .	6
Сумалак . . . . .	7
Қим катта? . . . . .	8
Лолазорда . . . . .	8
Гужум . . . . .	8
Ваҳва . . . . .	9
Мен сўз бердим ўзимга . . . . .	10
Балиқчи . . . . .	11
Қалтакнинг қолгани . . . . .	12
Эртақ . . . . .	12

### 2. Осмон нега зангори?

Туриалар . . . . .	14
Арава . . . . .	14
Маймун . . . . .	15
Интизомли трамвай . . . . .	16
Тақлид қилувчи бола . . . . .	16
Бир қушча . . . . .	17
Милёвлашнинг бонси . . . . .	17
Денгиз ва китлар . . . . .	18
Апор нега ёмон? . . . . .	18
Ҳайрон қолнади . . . . .	18
Ойда . . . . .	19
Укам ҳисобга нўноқ . . . . .	19

Хафа қайтдим меҳмондан . . . . .	19
Баҳс . . . . .	20

### 3. Бошим қолди галвага

Комиссия . . . . .	21
Хотира . . . . .	22
Ваъда . . . . .	22
Иқрор бўлди . . . . .	23
Соям . . . . .	23
Жавоб . . . . .	23
Қийин бўлди Ҳасанга . . . . .	24
Али нега йиғлайди? . . . . .	25
«Лазги»ни ўрганган кун . . . . .	25
Тўйда . . . . .	26
Қўриқчи . . . . .	26
Ўзи шунга кўнган эди . . . . .	27
«Доншмандлар» . . . . .	28
Бетараф Кўршапалак (Эртак) . . . . .	29

Ўрта ёшдаги мактаб болалари учун

На узбекском языке

РУСТАМ НАЗАР (ЖУМАНАЗАРОВ)

ДА ЗДРАВСТВУЕТ СОЛНЕЧНЫЙ ДЕНЬ

Стихи, сказка

Китоб иқтисод қилинган қоғоз ҳисобига босилди.

Редактор **М. Кеңжабоев**  
Рассом **З. Мартинова**  
Расмлар редактори **М. Карпузас**  
Техн. редактор **Э. Саидов**  
Корректор **С. Тоҳирова**

ИБ № 3729

Босмахонага берилди 27.06.86. Босишга руҳсат этилди 02.03.87.  
Р 17548. Формати 70x90 1/32. Босмахона қоғози № 2.  
Адабий гарнитура. Юқори босма. Шартли босма л. 1,46.  
Шартли кр.-оттиск. 1,60. Нашр л. 1,39. Тиражи 5000.  
Заказ № 36. Баҳоси 15 т.  
Нафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти,  
700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари бўйича  
ЎзССР Давлат Комитетининг Бекобод шаҳар босмахонаси.